

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2015 йил
10 октябрь
ШАНБА
№ 81 (12821)

www.th.uz

Саломат бўлинг

НОЁБ ЖАРРОҲЛИК АМАЛИЁТИ

Дераза олдида кўчани хомуш кузатиб турган Гулпаршин каравотда унсиз ётган Демегенининг кўкмиш лаблари билинар-билинимас кимирлагани, қароқларидан бир томчи ёш думалаб тушганини кўриб, қувониб кетди:


— Хайрият, отажониси, сизни асраб қолган шифокорлар омон бўлсин...

Демеген кўзини аранг очар экан, кўлларини кўтариб, столда турган чойнакка ишора қилди. Гулпаршин эрига чой ичираркан, кўзларига яна ёш қуюлди. Томогидан бир култур сув ҳам ўтмай қолган эди-я!?

Кўнғиротда қадамидан ўт чакнаб юрган Демеген бошида касалликка бўй бермади. "Бу оддий шамоллаш, ўтиб кетади" дея тинимсиз йўталга эътибор бермай юраргани, ниҳоят, хасталик уни йиқитиб қўяёзгани кўрқинчли тушдек кўз олдида ўта бошлади. Нукуснинг энг тажрибали шифокорлари Демегенининг томоғида ўсимта борлигини аниқлашган, нурлантириш йўли билан даволашмоқчи бўлгани, аммо ўсимта ҳиқилдоқдан қизил-ўнгачга ўтиб кетгани бунга имкон бермаганини ўйлаб: "Тошкентга келиб тўғри қилдим" дея ўзига-ўзи тасалли берарди...

Ҳақиқатан ҳам, Тошкент вилояти ўсма касалликлари диспансерининг жонқуяр шифокорларию меҳрибон ҳамширалари қорақалпоғистонлик Дал-жоновлар оиласига ҳаёт шодлигини қайта ҳаёда этдилар. Бош шифокор, тиббиёт фанлари доктори Абдулла Абдуҳакимов раҳбарлигида 11 соат давом этган бу мураккаб жарроҳлик амалиётининг муваффақиятли аяқлангани нафакат бемор, балки шифокорларга ҳам

бекиёс рағбат бағишлади. Бу ҳақда Абдулла Абдуҳакимов шундай дейди: — Бу операция Марказий Осиё минтақасида биринчи марта ўтказилди. Қувонарлиси, аввало инсон ҳаёти сақлаб қолинди, қолаверса, Соғлиқни сақлаш вазирлиги бу жарроҳлик амалиёти натижасини юқори баҳолади. Чунки, ҳиқилдоқ саратонининг қизилўнгачга ўтган ҳолатида ижобий натижага деярли кафолат йўқ эди. Ҳатто, МДХ давлатлари шифокор-



онкологларининг Қозон шаҳрида бўлиб ўтган 10-съездда маъруза қилган мутахассис онколог ҳам бу каби операциянинг муваффақият даражаси паст, яъни қандайдир асорат

қолдиришига ишора қилган эди. Лекин, биз бу мураккаб жарроҳлик амалиётини уddаладик. Яъни, ҳиқилдоқ ва қизилўнгач ўсимта билан биргаликда олиб ташланиб, қорин

бўшлиғи трансплантат усулида бемор кўкси (кўрак қисми) оралигидан оғиз бўшлиғининг пастки диафрагмасига кўчириб ўтказилди... Ҳозир кўриб турганингиздек, 58 ёшли

бемор Демеген Далжонов операциядан кейин 15 кун ўтиб, бемалол овқатлана бошлади...

(Давоми 2-бетда).

Даврон АҲМАД
олган сурат.

Фармон ва қарорлар ижроси

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди давлат ва жамоат ташкилотлари, таълим ва тиббиёт муассасалари билан ҳамкорликда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, имконияти чекланган инсонларни қўллаб-қувватлаш бўйича қатор лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этмоқда.

ИНСОН МАНФААТЛАРИ МУҲОФАЗАДА

"Siloam Center for the Blind" (Жанубий Корея) хайрия ташкилоти билан ҳамкорликда мамлакатимиздаги ихтисослаштирилган махсус мактаб-интернатларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича лойиҳа бунга мисолдир. Мазкур лойиҳадан қўзланган мақсад имконияти чекланган болаларга замонавий андозалар даражасида таълим бериш, саломатлигини асраш, уларнинг жамиятга фаол интеграциялашувига қўмаклашишдир.

Ушбу лойиҳа доирасида умумий қиймати 85248 доллар меъдоридаги спорт, музика, ўқув ва тиббиёт жиҳозларидан иборат мурувват ёрдами Тошкент шаҳар кўзи оғир болалар махсус мактаб-интернати ва Тошкент вилояти Охангарон туманидаги 58-имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган ёрдамчи мактабига топширилди.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва саломатлигини асраш, ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофазалаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар юксак самаралар бераётгани алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари-

Б. ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири.

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШАДИ

Бугунги кунда акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, уларга хорижий инвестицияларни тўғридан-тўғри жалб этиш, бунинг учун эса замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш изчил давом этаётган ишловларнинг ҳозирги босқичи талабларидан биридир. Шу боис республика Президен-

Фармонда кўзда тутилган мақсаддан келиб чиқиб тайёрланган "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услублари жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси халқаро тажрибани чуқур таҳлил қилган ҳолда замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш, акциядорлик жамиятларига хорижий инвести-

яларни кенг жалб қилиш йўналишида қулайликлар яратишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи ҳужжатдир. Ушбу лойиҳада "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида", "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида", "Йўл ҳаракати тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси халқаро тажрибани чуқур таҳлил қилган ҳолда замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш, акциядорлик жамиятларига хорижий инвести-

циянинг "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросига катта эътибор қаратилиб, кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бунда соҳага оид амалдаги қонунларни ушбу фармон талабларига мослаштириш масаласи муҳим аҳамиятга эга.

қўшимчалар киритиш та-

лиф этилмоқда.

Маълумки, Фармонда акциядорлик жамияти ижро органи раҳбарини тайинлаш тўғрисидаги қарор, одатда, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилиниши, шунингдек, келгусида барча акциядорлик жамиятлари йиллик молиявий ҳисоботни нашр этиши ва Халқаро аудит стандартлари ҳамда Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ ташқи аудит ўтказиш бел-

гиланган. Шундан келиб чиқиб, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг жамиятнинг ижро органи номли моддасини жамият ижро органи директори ёки бошқарув аъзоларини тайинлаш, хорижий мутахассислар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида амалга оширилиши ва жамиятнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботи номли моддасини жамиятнинг

(Давоми 2-бетда).

Амалий семинар

Мамлакатимизда касб-хунар коллежи ва академик лицей ўқувчиларини тадбиркорликка жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, Зангиота туманидаги 30-мактабга таълим муассасасида бўлиб ўтган семинар шундай сазй-ҳаракатларнинг биридир.

ЁШ ТАДБИРКОРЛАРГА ЁРДАМ



Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Германия омонат кассалари жамғармаси ҳамкорлигида "Ўзбекистон молия секторини қўллаб-қувватлаш" лойиҳаси доирасида ташкиллашти-

рилган амалий семинарда соҳа вакиллари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейларнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари ҳамда ўқувчилар қатнашди.

Семинарда тадбиркорлик билан шугулланиш истагидаги ёшларга яратилаётган шарт-шароит ва қулайликлар, берилаётган имтиёзлар ҳусусида сўз борди. Шунингдек, ёшларга тадбиркорлик фаолияти ҳақида кенгрок тушунча берилди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

ИРОДА МАҚСУДОВА,
Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган сурат.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.
Мансур НАХАЛОВ
олган суратлар.

303000648),
планзарского
кандидата
кандидата
Ливия № 1 от
принимается
публикации
25-06-20.

Их хуэридаги
3 Илдан №
На план руйхат
ING" (ИНН
1) тугатилди
адресига асо-
нондан бош-
91-67-78 те-
линидаги

ЧП "АЛОҚА КОМПЬУТЕР САВДО" (ИНН
302784083), зарегистрированное ИПСЧ хо-
миятгоғ. С. Сырдыраев от 07.01.2014 г., соот-
ветствует уменьшению уставного фонда с
179 315 080,00 сум до 350 000 000,00 сум.
Телефон: (+99890) 900-17-23.

Шайхонтохур тумани ТҚСҮИ томонидан
05.11.2014 йилдан № 002146-09 реестр рақам
билан руйхатга олинган "DAYMOND LUKA
UNIVERSAL" (ИНН 305085744) МҶМЖ тугатилди.
Даволар эълон чиққан кундан бошлаб
ой давомидан 24-18-71 ёки (+99893) 654-56-56
телефон рақамлари орқали қабул қилинади.

"SWET MASTER STUDIO" МҶМЖ шу но-
билан хуосий корхонага ўзгартирилиши маълу-
қлидаги

Спорт

Ойнаи жаҳон орқали бадий гимнастика бахсларини кўрганимда қадди-қомати келишган, гўзал қизларга, уларнинг хатти-ҳаракатларию, ажойиб машқларни уддабурончию билан бажаришларига ҳавасим келди.

НАФИС ҲАРАКАТЛАР ЖОЗИБАСИ



"Қамолот гунчалари" анъанавий республика оқич турнирининг вилоят босқичида иштирок этётган қизларни кузатарканмиз, уларнинг ҳис-ҳаяжони, чексизлигига амин бўлдик.

"Қамолот" ЁИҲ вилоят кенгаши ҳамда Ўзбекистон "Ёшлар" жамияти вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкиллаштирилган тадбир Олмалик шаҳридаги 3-Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида бўлиб ўтди.

Унда шаҳар ва туман босқичларида сараланган 90 нафар спортчи-қизлар иштирок этди.

Бу каби мусобақалар ҳаваскор гимнастикачилар маҳоратларини оширишга

лади. Аслида спортнинг бу тури қизларга жисмоний соғлиқ билан бирга латофат, нозиклик, ўзига хос назокат ва жозиба бахш этади. Шу билан бирга туйғуларни бошқара олишга ўргатади.

рига замин яратади, – дейди мураббий Лариса Ви. – Шу билан бирга юқори даражадаги эриш-ишларида туртки бўлади. Иштирокчилар ҳақида гап кетганда шуни айтиш керакки, улар жуда маҳоратли ва истеъдодли. Қизлардаги ғайрат, шижоат мени ҳайратга солди.

Гимнастикачилар 5 та ёш тоифасида ўз иқтидорларини намойиш этдилар. 11 ёшлилар орасида бекободлик Рухона Мусаевага тенг келадигани топилмади. 12-13 ёшлилардан қибрайлик Умида Адхамова ва Бекобод шаҳри вакили Малика Фафорова биринчилиكنи қўлга киритишди. Қибрайлик Нигина Нурматова ҳамда

бўстонликлик Нигина Шерматова эса 14-15 ёшлилар ичида биринчи даража эъланди.

– Турли мусобақаларда доимий иштирок этганим учун ҳаяжонимни енгишга ўрганганман, – дейди бекободлик Рухона Мусаева. – Шундай бўлсада, кўзим ёшланди. Бу қувонч ёшлари. Энди ўз устимда янада кўпроқ ишлашим керак. Ахир, олдинда республика босқичи турибди. Ҳалилар "Қамолот" ЁИҲ вилоят кенгашининг совгалари билан тақдирландилар.

Ирода НОРОБОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.
Қобилжон ҚОДУРОВ
олган сурат.

ИШОНЧЛИ ГАЛАБА

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2018 йилда ўтказиладиган Жаҳон чемпионати Осиё қитъаси саралаш мусобақалари иккинчи босқичи бешинчи турида Бахрайн терма жамоаси меҳмони бўлди.

"Н" гуруҳида тўп сураётган терма жамоамиз ҳисобида олти, бахрайнликларда уч очко бор эди. Шу боис мазкур учрашувда галаба қозониш ҳар икки терма жамоа учун ҳам муҳим эди. Тўлиқ ўзбекистонлик

футболчилар устунлигида ўтган ўйин 4:0 ҳисобида мамлакатимиз терма жамоаси фойдасига ҳал бўлди. Голларни Игорь Сергеев, Одил Аҳмедов, Сардор Рашидов ва Элдор Шомуродов киритди.

КХДР ва Филиппин терма жамоалари ўртасидаги ўйинда 0:0 ҳисоби қайд этилди.

Шу тариқа терма жамоамиз тўққиз очко билан гуруҳдаги мавқеини мустаҳкамлаб олди. Футболчиларимиз навбатдаги учрашувни 12 ноябрь кунин Тошкентда КХДР терма жамоасига қарши ўтказишди.

Б. АЙМУРДОВ,
ЎЗА муҳбири.

ЮКСАК САВИЯДА ЎТДИ

Қибрай туманидаги шахмат клубида ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган республика турнири ўтказилди.

Вилоят шахмат федерацияси ташкиллаштирган мусобақаларда пойтахтимиз ҳамда Тошкент, Қашқадарё ва Навоий вилоятлари вакилларидан иборат 5 ёшдан 70 ёшгача бўлган 30 дан зиёд шахматчи иштирок этди. Ҳакамлар ҳар бир учрашувнинг бориши ва натижасини одилона баҳолаб бордилар.

– Турнирнинг барча қатнашчиларига, ҳакамлар ҳамда меҳмонларга ва, албатта, мусобақага ҳомийлик қилган "Ўзбекгеофизика" акциядорлик жамиятига самимий миннатдорчилик изҳор эта-

миз, – дейди вилоят шахмат федерацияси ижрочи директори Рисқиддин Эсонбоев. – Шуниси қувонарлики, шахматга қизиқувчи ва турли мусобақаларда фаол иштирок этишга интилувчи ёшлар, ўсмирлар йил сайин кўпайиб бормоқда.

Мусобақалар якунига кўра, Қибрай тумани вакили Ғайрат Тошматов, Тошкент шаҳридан Шохжаҳон Шукуралиев, Бекобод туманидан Озода Хусайнова, чирчиқлик Ва-

лерий Пахмутов фахрли ўринларни эгалладилар.

Мақтабгача ёшдаги болалар ўртасида Жандас Жумадилов ва Фирзони Жавлинова (Тошкент шаҳри) алоҳида маҳорат кўрсатишди.

Турнир голиблари ва совриндорларга фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совгалари топширилди.

Фахриддин РЕИМОВ
олган сурат.



Кўргазма

РАССОМЛАР СУЛОЛАСИ АСАРЛАРИ

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида Ўзбекистон санъат арбоби, Ўзбекистон Бадий академияси академиги Саъдулла Абдуллаев ва унинг ўғли Жамшид Абдуллаев, қизлари Фотима Иброҳимова-Асадий, Зухра Умарованинг ижод намуналаридан ташкил топган кўргазма очилди.

Экспонатга қўйилган асарларда мамлакатимизнинг гўзал табиати манзаралари, заминимизнинг наторморларда акс этган неъматлари, тарихий шаҳарларимиздаги меъморий ёдгорликлар, миллий маданиятимиз вақиллари ва замондошларимиз сиймолари маҳорат билан чизилган. Миллий матолардан тикилган болалар ва аёллар либослари тўплами, замонавий бинолар тасвири томошабини

бефарқ қолдирмайди. Шунингдек, С. Абдуллаев ва Ж. Абдуллаевларнинг "Оҳангарон. Сув ёқаси", "Сўқоқ манзараси", "Оқтош. Бодомзор", "Оқтош тонг", "Оқтошда ёз", "Оқтош", "Хумсон", "Хумсонда ёз", "Хумсон манзараси" каби вилоятимизнинг гўзал табиати акс этган асарлари ҳам экспозициядан ўрин олган.

Кўргазма 12 октябргача давом этади.
Хасан АБДУНАЗАРОВ.

Bolalik bog'i

УАҚТ

Doim shunaqa. Shohruh maktabdan keladi-yu, oyoq kiyimini yechib otadi, ust-boshini apil-tapil almashtiradi-yu, ko'chaga qum o'ynaganini yuguradi. Malohat har galigidek jig'ibiron bo'lib qolaveradi: – Qachon odam bo'ladi bu bola? Dadam bilan oyim uni erkatalib yuborishdi. Dadam har kuni ishdan qaytayotib, albatta, sovg'a olib keladi. Shunaqa tartib-intizomsiz o'saversa, kelajagi nima bo'ladi?

Malohat o'ziga o'zi gapirgancha, ukasining poyabzalini tartibga keltirdi, xonasiga kirib, har yoqda sochilib yotgan maktab formalarni sarajonladi. Ukasi maktab ostonasiga ilk qadam qo'ygach, endi yaxshi tomonga o'zgarsa kerak, deb o'ylagandi, unday bo'lmadi. Malohat Shohruhga har doim: – O'ringni tuzat, kiyimlaringni g'ijimlab otma, poyabzalningni bir chetga qo'y, deyaverib esi ketadi. Bu ham yetmagandek, onasi Shohruhga emas, Malohatga tanbeh beradi: – Bittayu bitta ukangni ter-

gaganing tergagan. Malol ke-layotgan bo'lsa, ayt, o'zim qilaman... Kunlarning birida saksondan oshgan Azamat bobo kelib qoldi. Shohruh quvonchi ichiga sig'may, yugurib borib, bobojonining bag'riga otildi. Yuzini bobosining uzun soqollariga tekkizib o'ynadi. So'ng maktabda yod olgan oxirgi she'rlaridan o'qib berib, bobosini xursand qildi.

Yotar chog'i Azamat bobo nabirasiga har galigiday, ertak aytib berdi. Bu safar ertak vaqt haqida edi. So'ngida qissadan hissa qilib, qo'shib qo'ydi: – Ko'rdingmi, bolajonim, hech qachon vaqtningni behuda o'tkazma. Vaqt o'tlindan qimmat. Tinimsiz o'qib, ilm olishga sarflagan vaqtning bir kun kelib, seni oliy martabaga erishtirib, elga tanitadi.

Shohruhning o'sha kuni uy-qusi kelmasi. Bobojonidan eshitgan ertagi, undagi ota-onasining aytganini qilmay, ko'chada pista chaqib, to'p tepib, vaqtini o'zi o'g'irlab, keyin puchaymon qilib qolgan bolaning taqdirini o'yladi. Sevimli bobosining hikmatli gaplarini o'zi-cha tahlil qilib yotdi.

Ertasiga Malohat o'qishdan kelsa, bir chekkaga chiroyli qilib terilgan, toza artilgan oyoq kiyimga ko'zi tushdi. Bu Shohruhning poyabzali edi...

Zuhra AHMEDOVA,
talaba.



Кўзгудаги ўзимиз

Яқин дугонам турмушга чиқадиغان бўлди. "Шунча йиллик сирдошлигимиз хурмати", дедим-да, тўйга отландим. Тўйхонага ичкарилаётган, тоғора қучоқлаган қудохолалар орасида: "Зап қувё экан, хорижда тахсил олганимш..." деган шивир-шивирлар қулоғимга чалинди. "Нима бўпти, – дедим ўзимга ўзим. – Дугонанинг ҳам бундан кам жойи йўқ. Зиёли оиладан, ақлли, фаросатли, ўқимишли..."

Хуллас, тўй бошланди. Хамма хуш кайфиятда. Қутилмаганда, чироклар ўчди. Залдаги катта экранда инглизча "LOVE STORY" сўзи пайдо бўлди. Очиги, тўйларда бундай удумни илгари ҳеч учратмагандим. Қизиқсиниб кузатдим. Унда икки ёшнинг севги қиссалари бошланиб кетди. Тушунганим – йигит ўз жуфтини излаб саёхатга чиқди. Узоқ қийинчиликлардан сўнг тоғ этагидаги катта горга кирганда, у ерда-

ТЎЙДАГИ ТОМОША

ги нақшинкор сандиққа кўзи тушди. Сандиқ ичидан оппоқ дур мисолида бир қизнинг сиймоси учиб чиқиб, йигитни ўзига қорлади. Йигит ҳам анча вақт қизнинг сиймоси кетидан юриб, охири жуфтини топди. Томоша



икки ёш табиат қўйнида қўл ушлашиб, дам олаётгани акс этган севги қиссаси билан яқунланди. Ажабланиб, дугонамга юзландим. У ҳозир чет элда "LOVE STORY"

урф эканини айтди. Бу – замон билан ҳамнафаслик эмасми?! Шундан кейин келин-куёв вальсга тушишди. Сокин қайдан сўнг замонавий мусиқа янграб, икки ёш шунга монанд ракс бошлашди. Охириги ракс ҳаммасидан ўтиб



тушди. Жуфтлик бирдан қотиб қолиб, роботлардек ҳаракатлар қилишди. Куй сўнгиди эса бир-бирларини қучоқлаб, "томоша"ни тамомладилар... Бошимга оғриқ олиб

Бу – қизик

● Дунё аҳолисининг 0,7 фоизи ҳар доим маст ҳолатда бўлади. ● Энг тез сузувчи спортчи сузиш суръатини кўпи билан 6,4 км/соатгача ошириши мумкин. Ба-лиқларнинг тезлиги эса 120 км/соатгача етади.



● Янги Гвинеядаги Папуада қишлоқлар оралиғи бир неча километргина бўлса-да, аҳолиси фарқли тилларга гаплашишади. ● Қаҳва дунёдаги энг кенг тарқалган стимуля-

тор ҳисобланади. У энг кўп даромад келтирувчи озиқ-овқатлар орасида иккинчи ўринни эгаллайди.



● Олмаҳонлар табиий шароитда узоғи билан 1 йил яшайди. Улар кўпинча касаллик, очлик, йирткичлар, автомобиль ва одамлар туфайли нобуд бўлади. Тутқинликда улар 15-20 йил яшайи мумкин.

● Электронлиқлар бошқа балиқлардан фарқли ўлароқ орқага ҳам суза олади. ● Зулукнинг ҳар уч жа-

фида юзтадан жами 300 та тиши бор.

● Тимсоҳ ҳужум қилганида унинг қўзини босиш керак. Шундагина у оғзини очади.

● Энг кўп гўшт ейдиган айиқлар қутб айиқлари-дир. Улар асосан балиқ ва денгиз мушукларини истеъмол қилишади.



● Бактериялар шу қадар кичикки, бир томчи суюқликда уларнинг тахминан 50 миллионтаси бўлади.



ЯНГИ ҲУКУМАТГА ИШОНЧ БИЛДИРИЛДИ

Reuters агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, Грециянинг янги сайланган парламенти бош вазир Алексис Ципрас ҳукуматига ишонч билдирди. 300 депутатдан 155 нафари янги ҳукуматни ёқлаб, овоз берди.

Маълумотларга кўра, Ципрасга фақат ҳукумат таркибига кирган СИРИЗА ва "Мустақил греклар" партиялари депутатлари ишонч билдиришди. Бошқа партия вакиллари эса қарши овоз беришди.

Ципрас овоз беришдан олдин парламентда бўладиган музокаралар чоғида янги ҳукумат кредиторлар билан тузилган барча келишувлар шартларини бажариш ниятида эканини маълум қилганди. Шунингдек, у банкларни рекапитализация қилиш масалаларини ҳал этиш ва Грецияни аста-секин қайта ўзгартиришга ваъда берганди. Хуллас, муддатидан илгари ўтказилган парламентга сайловларда СИРИЗА галаба қозонди ва "Мустақил греклар" партияси билан коалиция асосида янги ҳукуматни шакллантирди. 21 сентябрь кунин Ципрас янги бош вазир сифатида қасамёд қабул қилди.

СУДДА 1,6 МИЛЛИОН ДОЛЛАР ЮТИБ ОЛДИ

Американинг Огайо штатлиқ аёл, 59 ёшли Карла Бартлетт судда ютиб чиқиб, 1,6 миллион доллар эгаси бўлди.

Бартлеттнинг таъкидлашига қараганда, у ҳудуддаги DuPont кимёвий корпорациясига қарашли заҳарли кислота тушган ичимлик сувни истеъмол қилгани сабабли буйрак саратони хасталиғига чалинган. У келтирилган даъво юзасидан ўтказилган суд жараёни ягона эмас. Ушбу ҳудудда яшовчи яна 3500 га яқин фуқаро айнан DuPont заводидан силкиб чиққан заҳарли модда туфайли касалликка чалинганлари ҳақида мурожаат қилишган. Бартлеттнинг эришган ютуғидан сўнг бошқа беморлар ҳам суд орқали яхшигина даромадга эга бўлишига умид боғлашмоқда.

DuPont корпорацияси эса ўзи ишлаб чиқарган кислотани туфайли саратон касаллиғи келиб чиққанига ишонмайпти. Шу боис у апелляция бериш ниятида.

ФИФА РАҲБАРИ 90 КУНГА ЧЕТЛАТИЛДИ

Халқаро футбол федерацияси (ФИФА)нинг ахлок масалалари бўйича қўмитаси Йозеф Блаттерни ушбу ташкилот раҳбари вазифасини бажаришдан 90 кунлик муддатга озод қилди.

Sky News агентлиги Блаттер маслаҳатчиси Клаус Штелкернинг сузларига таяниб тарқатган хабарда келтирилишича, ФИФА этика қўмитаси 26 сентябрда Блаттер ҳамда Европа футбол ассоциациялари иттифоқи (УЕФА) раҳбари Мишел Латинига нисбатан тергов бошлаган эди. Шундан бир кун аввал Швейцариянинг адлия федерал бюроси Блаттерга нисбатан жиноий иш очганди. У масъулиятсизлик ва ўғриликда айбланмоқда. Жумладан, унга Латинига 2 миллион Швейцария франки миқдориде пора берганлик айби юклатилмоқда. Бундан ташқари, Қариб футбол иттифоқи билан ФИФА учун зарарли шартлар асосида шартнома тузганликда гумон қилинмоқда.

ОЙНАВАНД КЎПРИК ДАРЗ КЕТДИ

Хитойнинг Ханан вилоятидаги Юнтай геологик паркида бунёд этилиб, шу йил 20 сентябрь кунини очилган ойнаванд кўприк сайёҳлар оёғи остида дарз кетди.

Юнтайшан тоғидаги чуқурлиги 1080 метр бўлган жарлик устида барпо этилган ушбу ноёб иншоотнинг дарз кетишига арзимаган нарса сабаб бўлган. Яъни, кўприкдан ўтиб бораётган сайёҳлардан бирининг қўлидаги сув тўлдирилган термос бехосдан тушиб кетиб, ойнани синдирган.


"ЧОЙВАН" ТЎШОНИ ХУРУЖИ

Япониянинг Хоккайдо оролида яшовчи 5 мингга яқин аҳоли ҳукуматдан махсус пана жойларга яшириниш тўғрисида тавсия олди.

Гап шундаки, TBS телекомпанияси ушбу ҳудудга "Чойван" деб номланган кучли тўфон ақинлашиб келаётгани ҳақида хабар берди. Япония метеорологларининг маълумотларига қараганда, довул мамлакат жануби томонидан соатига 55 километр тезликда яқинлашмоқда. У ўзи билан бирга кучли шамол, ёғин ва баландлиги 9 метрга етадиган уммон сувлари тўқинларини олиб келмоқда. Маълум қилинишича, тўфон Хоккайдодан сўнг Курил ороллари ҳамда Россиянинг Сахалин ҳудудларига етиб келади. TBS компанияси маълумотлариде айтилишича, Нэмура ва Хоккайдо портларидагиларга ҳам ҳудудни тарқ этиш тақлиф қилинган. Чунки, бу ерларда шамолнинг тезлиги сонияда 30 метрга етиши кутилмоқда.

Метеорологларнинг айтишича, сонияда 25 метр тезликда ҳаракатланаётган шамол 330 километр радиусда ёпирилиб келмоқда. Кюдо агентлигининг хабар қилишича, ушбу табиий офат туфайли Саппоро аэропортида 92 та рейс бекор қилинди, 150 та поезд ҳаракати тўхтатилди.

Рассом хандаси



Уддабурон спортчи...

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА	Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ	Манзилымы: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.	Қабулхона: Бўлим муҳаррирлари ва муҳбирлар: Шартнома ва эълонлар: Ҳисоб-китоб бўлими:	Телефонлар: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс). 233-38-23, 233-48-08. 233-56-03, 233-65-59. 233-54-10.	Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан руйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.	Навбатчи муҳаррир Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ Навбатчи ЮЛДУЗХОН МУҲИДДИНОВА Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ
--	--	--	---	---	--	---